

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“САНЪАТШУНОСЛИК (ТУРЛАРИ БЎЙИЧА)” ЙЎНАЛИШИ

**“САНЪАТШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”
модули бўйича**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2019

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи:

“Овоз режиссёrlиги ва кинооператорлик” кафедраси профессори, санъатшунослик фанлари доктори О. Қ.Тожибоева;

Тақризчи:

ЎзДСМИ “Телевидение ва кино режиссёrlиги” кафердаси мудири, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент Ф.Х.Файзиева

Ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кенгашининг 2019 йил _____даги ___-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	Ошибка! Закладка не определена.
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	Ошибка! Закладка не определена.....
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	
VI. МУСТАҶИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	
VII. ГЛОССАРИЙ.....	
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастурга киритилган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Ушбу дастурда санъатшуносликнинг бугунги ҳолати, замонавий ёндашув ва тенденциялар санъат турларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоҳида хусусиятлари кесимида маълумотлар келтирилади. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури куйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Санъатшуносликнинг долзарб масалалари” модулининг **мақсади:**

Санъатшуносликнинг(соҳалар бўйича) турли йўналиш ва жанрлар кесимида ривожланиш босқичлари, тарихи ва замонавий ҳолатини қиёслаш орқали унинг бугунги ҳолатини белгилаш, педагог кадрларнинг ўқувтарбиявий жараёнларни юқори илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини янгилаш ҳамда уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратининг ошишини таъминлашдан иборат.

“Санъатшуносликнинг долзарб масалалари” модулининг **вазифалари:**

- “Санъатшунослик (турлари бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;
- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- санъатшунослик соҳасининг янги давр муаммолари бўйича маълумотлар бериш ва уларни қўллаш учун педагог кадрларни тайёрлашни таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этишдир.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

Санъатшуносликнинг долзарб масалалари курсини ўзлаштириш жараёнида тингловчилар қуидагиларни билишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- санъатшуносликнинг ривожланиш тенденцияларини;
- санъатшунослик фанларининг назарий асосларини;
- санъатшунослик фанининг олий таълим тизимидағи ўрнини;
- санъатшуносликнинг долзарб муаммоларини;
- санъатшунослик фанларини ўқитишда инновацион технологияларни;
- санъат турлари ва уларнинг ўзаро интеграциясини;
- санъат соҳасидаги турли замонавий услублар, йўналиш ва тамойилларни **билиши** лозим.

Тингловчи:

- санъатшунослик йўналиши бўйича хорижий манбалардан педагогик фаолиятда фойдаланиш;
- санъатшунослик бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланиш;
- инновацион ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш;
- санъат соҳалари бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар ва тадқиқотлар натижаларини амалиётга тадбиқ этиш;
- санъатшунослик соҳасидаги модернизация ва ўзгаришларни ўзлаштириш ҳамда дарс жараёнларига сингдириш;
- санъатшуносликнинг долзарб муаммоларини таҳлил қилиш ва ечимини аниқлаш;
- санъатшунослик соҳасидаги инновацияларни илмий-тадқиқот ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- санъатшунослик фанларига инновацион технологияларни жорий қилиш;
- санъатшунослик фанларини ўқитишининг дидактик таъминотини яратиш;
- санъатшуносликнинг замонавий ривожланиш тенденцияларини назарий асосда ўқув жараёнига тадбиқ этиш;
- санъатшунослик фанларининг методик таъминотини яратиш;
- санъатшунослик фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибани қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- санъатшунослик соҳасида машғулотларни илғор педагогик ҳамда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш ва бошқариш;
- санъатшунослик йўналиши бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш;
- санъатшуносликда илмий-тадқиқот методологиясини ривожлантириш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Санъатшуносликнинг долзарб масалалари” курси маъruzaga va amaliy mashғulotlar shaklidagi olib boriladi.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, аудио-видео ёзувларидан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Мазкур модулнинг мазмуни ўқув режадаги “Таълим тизимида режиссёрлик ва актёрлик санъати асослари”, “Санъатшунослик фанларини ўқитиши методикаси”, “Санъатшуносликда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш” ва “Арт менежмент” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим муассасаларида ўқитиладиган “Санъатшунослик (турлари бўйича)” ва узвий ўзаро боғлиқ бошқа фанлар бўйича машғулотларни олиб бориш, уларнинг мазмунини янги, замонавий услублар билан бойитилган ҳолда амалда қўллаш ва талабалар билимини баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			
			жумладан			
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот
1.	Санъатшунослик фанининг назарий ва амалий асослари			2		

2.	Театр-синтетик санъат сифатида			2		
3.	Санъатшуносликнинг ривожланиш тенденциялари			2		
4.	Санъат - жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида			2		
5.	Санъатшунослик соҳасидаги замонавий ёндашувлар			2		
6.	Ўзбекистон санъатшунослиги хусусиятларининг таҳлили			2		
7.	Санъат соҳасидаги турли замонавий услугуб ва йўналишлар					4
Жами: 16 соат		16	16	4	8	4

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Санъатшунослик фанининг назарий ва амалий асослари

Санъатшунослик йўналиши бўйича таҳсил олаётган тингловчи санъат амалиётидан, унинг ижтимоий функциялари, жанрлар тизими ва ижодий услубларидан хабардор бўлишлари мақсадга мувофиқдир. Маданият, санъат соҳаларидағи ижодий жараёнларни ОАВда ёритиш ва номоддий миллий қадриятларни тарғиб этишда санъатшунослик муҳим ўрин тутади. Шундай экан, мазкур маъруза танланган муайян йўналиш бўйича (театр санъати, кино, ТВ, радио, мусиқа ва б.) соҳа мутахассислари замонавий бадиий жараёнда қўлга киритилаётган ютуқлар билан бир қаторда санъат соҳалари тарихини, ривожланишига хос ижтимоий-маданий динамикасини таҳлил эта билишлари, ўз фикр-мулоҳазаларини муқобил жанр ва форматдаги тадқиқот сифатида ОАВ тизимида намоён этиш маҳоратига эга бўлишларида муҳим аҳамият касб этади.

2-мавзу. Театр-синтетик санъат сифатида

Театр санъати синтетик санъат бўлиб, жамият ҳаётида томошабинларнинг маънавий ва эстетик тарбиясида муҳим ўрин тутади. Унда драматургия, мусиқа, тасвирий санъат, рақс, меъморлик ажралмас бирликни ташкил этади.

Мазкур назарий дарсда тингловчилар театрнинг ўзига хослиги, тарихий босқичлари, синтетик табиатининг етакчи жиҳатлари, шунингдек

театр санъатининг функцияси ҳамда хусусиятлари билан атрофлича танишадилар.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ

1-Амалий машғулот.

Санъатшуносликнинг ривожланиш тенденциялари

Тингловчилар санъатнинг турлари, эволюцияси, ривожланиш босқичлари ва тенденцияларининг юзага келиши, тараққий этиши, ўзига хос қирралари ҳақида маълумотларга эга бўладилар ва мавзу бўйича кўтарилиган масалалар бўйича амалий кўникмаларини намойиш этадилар. Шу маънода мазкур амалий машғулотда тингловчилар санъат қонунияти, функцияси борасидаги назарий билимларни амалиётга жорий қилиш тамоиллари ва масъулияти ҳақида фикр алмашадилар.

2-Амалий машғулот.

Санъат - жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида

Тингловчилар санъат асарларининг аҳамияти хусусида, қолаверса, санъат турлари ва жанрлари, тасвирий ва ифодавий воситалари, санъатлараро интеграция борасида фикр алмашадилар. Театр, мусика, тасвирий санъат, кино ва бошқа замонавий санъатларнинг жамият ижтимоий, маданий-маънавий хаёти билан узвийлиги, таниқли драматург, режиссёр, рассом, композитор ва бошқаларнинг ижоди билан танишадилар ва мавзу бўйича кўтарилиган масалалар бўйича амалий кўникмаларини намойиш этадилар.

3-Амалий машғулот

Санъатшунослик соҳасидаги замонавий ёндашувлар

Тингловчилар санъатшунослик фанининг таълим тизимидаги ўрни бевосита малакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий ислохотларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ ҳолда белгиланиши ҳақида маълумотларга эга бўладилар ва мавзу бўйича кўтарилиган масалалар бўйича амалий кўникмаларини намойиш этадилар. Соҳанинг CWOT таҳлилини амалга ошириш орқали ўз фикр мулоҳазаларини билдирадилар.

4-Амалий машғулот

Ўзбекистон санъатшунослиги хусусиятларининг таҳлили

Тингловчилар томонидан мамлакатимиз санъатшунослигининг ҳолати ва етакчи тенденциялари баҳоланади. Санъатшуносликнинг санъатлар глобаллашуви жараёнида ижтимоий-маданий ҳаётдаги ўзгаришлар кесимидаги тенденциялари ва истиқболли йўналишлари таҳлил қилинади. Мониторинг ва баҳолаш масалалари қўриб чиқилади ва тингловчилар мавзу

бўйича кўтарилиган масалалар юзасидан амалий кўнилмаларини намойиш этадилар.

КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Санъат соҳасидаги турли замонавий

услуб ва йўналишлар

Тингловчилар грухи билан Тошкент шахрида жойлашган Ўзбек Миллий академик драма театри, Муқимий номидаги мусиқали драма театри, Ўзбекистон Ёшлар театр, “Дийдор” театр студияси каби ижодий жамоалардан бирига ташриф буюрилади. Театрнинг ишлаш кундалиги, репетициялар жараёни, ишлаб чиқариш фаолияти билан танишилади. Дарсдан сўнг муайян спектакллар таҳлил қилинади ва театрнинг ўзига хослиги борасида фикр алмашинади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш мезони	Максимал балл	Изоҳ
1.	Тест топшириқлари		1 балл
2.	Санъат асарини таҳлил қилиш (Турлар бўйича)	2.5	1 балл
2.	Мустақил иш		0.5 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

1. Блиц-сўров (инглизча —blits – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Унга кўра ўқитувчи ўрганилган мавзу, муайян таркибий қисмлар моҳиятининг очиб берилишини талаб этадиган саволларни ишлаб чиқади ва талабаларнинг эътиборларига ҳавола этади. Талабалар берилган саволга қисқа муддатда, қисқа ва аниқ жавоб қайтара олишлари лозим. Гурух ёки жуфтликда ишлашда бир нафар талаба берилган саволга жавоб қайтаради, унинг шериклари ёки гуруҳдошлари жавобни тўлдиришлари мумкин. Бирок, фикрлар такрорланмаслиги лозим. Методни қўллашда мавзуга доир таянч тушунчалар, асосий ғояларнинг моҳияти талабалар томонидан оғзаки, ёзма ёки тасвир (жадвал, диаграмма) тарзида ёритилиши мумкин.

Маъruzada талабаларга бериладиган топшириқ намунаси:
Хорижий мамлакатлар таълим тизимидағи илғор тажрибаларни ўрганиш қандай мақсадларга хизмат қилиши мумкин?

2. Моделлаштириш (modulus – ўлчов, меъёр) методи талабаларда ўзлаштирилган мавзу, масала ёки ҳал қилинган муаммо юзасидан мантикий фикрлаш, мавзу, масала ёки ҳал қилинган муаммонинг умумий моҳиятини модел (шартли белги)лар ёрдамида тасвир шаклида ифоадлай олиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласи. Методни қўллашда танланган обьект моҳиятини, муҳим хусусиятларини, устувор жиҳатларини тўла очиб беришга алоҳида эътибор қаратилади. Машғулотларда ушбу методдан фойдаланиш куйидаги босқичларда амалга оширилади: 1) талабалар мавзу (масала, муаммо) моҳиятини пухта англайдилар; 2) мавзу (масала, муаммо) моҳиятини тўлақонли ифода этадиган асосий жиҳатлар, таянч тушунчаларни ажратадилар; 3) улар ёрдамида умумий моделни яратадилар; 4) модел ёрдамида ўрганилган мавзу (масала, муаммо)нинг моҳияти тўғрисида жамоага маълумот берадилар; 5) таклиф этилган моделнинг мақсадга мувофиқ яратилганлиги, мавзу (масала, муаммо) моҳиятини очиб бера олиши жамоа томонидан муҳокама қилинади.

Маъruzada талабаларга бериладиган топшириқ намунаси:
Мамлакатимиз санъатшунослик фани йўналишишининг ҳозирги ҳолатини моделлаштириши асосида ёритинг.

3. “CWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустакил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.

CWOT таҳлил:

C – Strengths (кучли)

W – Weakness (зайф)

O – Opportunities (имкониятлар)

T – Threats (хатарлар)

Таҳлил қилиш учун 2x2 ўлчамдаги матрица тузилади:

C	W
O	T

Намуна- Мамлакатимиз санъатшунослик фани йўналишининг ҳозирги ҳолати борасида CWOT таҳлил

	Манфаатли омиллар	Манфаатсиз омиллар
Ички мухит омиллари	<p>C – кучли томони.</p> <p>1. “Устоз-шогирд” анъанасига асосланганлиги.</p> <p>2. Кўп йиллик бой анъаналарга эга эканлиги.</p> <p>3. Санъатшуносликнинг барча йўналишларида ўзига хос илмий мактаб яратилганлиги.</p>	<p>W – заиф томонлари</p> <p>1. Айрим мутахассисликлар бўйича илмий салоҳиятнинг пастлиги (масалан рақсшунослик).</p> <p>2. Ўзбек тилидаги монографияларнинг камлиги.</p> <p>3. Ёш олимларнинг етишмаслиги.</p>
Ташқи мухит омиллари	<p>O – имкониятлар.</p> <p>1. Миллий санъат йўналишларининг ноёблиги, жаҳон эътиборини тортиш даражаси.</p> <p>2. Малака ошириш ва тажриба алмашиш борасида халқаро алоқалар йўлга қўйилганлиги.</p> <p>3. Халқаро маданий алоқаларда қатнашиш имкониятлари.</p>	<p>T – хатарлар.</p> <p>1. Санъатшунослик йўналишида ёш ва ўрта ёш бўғинининг заифланиши.</p> <p>2. Мутахассис кадрларни бошқа иш жойига ўтиб кетиши.</p> <p>3. Санъат йўналишлари амалиётида муаммоларнинг кўпайиши.</p>

4. - Хулосалаш (Резюме, Веер) методи.

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустакил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби

- тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;
- тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисимлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;
- ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласиди;
- навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу бўйича хулосалар ясалади.

1-Намуна:

Ўзбекистон санъатшунослигида мавжуд анъаналарга ворисийлик асосида ёндошув					
Таълим жараёнларида		Илмий тадқиқот йўналишида		Ташкилий-структуравий жиҳатларида	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

Хулоса:

5. - “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» – инглизча сўз бўлиб, («сасе» – аниқ вазият, ҳодиса, «стади» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Wxo), Қачон (Wxen), Қаерда (Wxere), Нима учун (Wxij), Қандай/ Қанақа (Xow), Нима-натижা (Wxat).

“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш Босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иэрархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг эчимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил эчим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир эчимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил эчимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини эчимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият эчимининг амалий аспектларини ёритиш

6. - «ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хulosса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади: Ф –фикрингизни баён этинг, С – унга сабаб кўрсатинг, М – мисол келтиринг, У- умумлаштиринг.

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна

Фикр: “Театр санъатининг ижодий муаммолари (мавзу, талқин) томошабин савияси билан боғлиқ”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

7. - “Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади.

Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, асессментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 баллгача баҳоланиши мумкин.

8. - “Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини энгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмuni ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:



Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“В” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“-” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

9. - “Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯҳли тартибда);
 - ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
 - белгиланган вақт якунига этгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изохини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
 - ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Кўшимча маълумот
Концепция	спектакль мақсади ва вазифаларини хал қилишдаги белгиланган йўл	
Нигилизм	қабул қилинган қадриятларни тан олмаслик	
Драматик асарда ситуация	персонажларнинг ўзаро муносабати ва кураши натижасида эпизодларда юзага келадиган вазият	
Экспозиция	сюжетнинг кириш қисми, характерларнинг шакллана бошлиши, ижтимоий муҳит, ҳаёт шароитлари	
Симбиоз	санъат турлари ёки муайн ўйналишларнинг ўзаро бирикиб, яхлитлик хосил қилиш жараёни	
Санъат маркетинги	ташкилий ва бадиий мақсадларга эришишда истемолчилар билан ўзаро манфаатдорлик муносабатларни	

	ўрнатишга йўналтирилган интегралаштирилган менежмент жараёни	
--	--	--

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.


10. - Венн Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айланада тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.



Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Венн диаграммасида ишлаш қоидалари:



Вени диаграммаси



Намуна. Опера санъати

11. - “Блиц-ўйин” методи.

Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўнимкаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастреб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштиради ва гурух аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гурух баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурухлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуиши сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гурух баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурух хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурух хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Санъатшунослик фанининг назарий ва амалий асослари

Режа:

- 1.1. Санъатшунослик фанининг ўзига хослиги ҳақида тушунча.
- 1.2. Санъат – инсоният бадиий фалсафий тафаккурининг меваси сифатида.
Таянч иборалар: санъат намунаси, бадиият, эстетик дид, асар, колорит, гармония, илмий тадқиқот, методология, амалиёт ва назария уйғунлиги.

1.1. Санъатшунослик фанининг ўзига хослиги ҳақида тушунча

Санъатшунослик йўналиши бўйича таҳсил олаётган тингловчи санъат амалиётидан, унинг ижтимоий функциялари, жанрлар тизими ва ижодий услубларидан хабардор бўлишлари мақсадга мувофиқдир. Маданият, санъат соҳаларидаги ижодий жараёнларни ОАВда ёритиш ва номоддий миллий қадриятларни тарғиб этишда санъатшунослик муҳим ўрин тутади. Шундай экан, танланган муайян йўналиш бўйича (театр санъати, кино, ТВ, радио, мусиқа ва б.) соҳа мутахассислари замонавий бадиий жараёнда қўлга киритилаётган ютуқлар билан бир қаторда санъат соҳалари тарихини, ривожланишига хос ижтимоий-маданий динамикасини таҳлил эта билишлари, ўз фикр-мулоҳазаларини муқобил жанр ва форматдаги тадқиқот сифатида ОАВ тизимида намоён этиш маҳоратига эга бўлишлари муҳим. Бугунги кун санъатшунослик мутахассислар учун катта муаммо бўлиб турган жиҳат ҳам айнан назария билан амалиёт ўртасида узилиш мавжудлиги билан изоҳланади.

Санъат – инсоният бадиий фалсафий тафаккурининг мевасидир. Шу боис унга бўлган инсон эҳтиёжи асло сўнмайди. Инсоният маданий тараққиёти замондан замонга қараб ўсиб, ривожланиб борар экан, санъатга бўлган эҳтиёж ҳам шунга монанд муттасил ўсиб боради. Замон тақозоси ва талаби сифатида янги турлар, янги жанрлар пайдо бўлаверади. Санъаткор бадиий тафаккурига, ижро маҳоратига, санъатнинг бадиий-фалсафий, ижтимоий-тарбиявий асосларига бўлган талаблар ҳам муттасил ўсиб бораверади. Иккинчидан, санъат муҳлисларининг, демакки, кенг халқ оммасининг санъатдан бадиий-эстетик завқ олишга интилиши асносида унинг санъат турлари хусусиятларини англашга, санъаткорлар ҳаёти, ижоди, маҳоратларининг ўзига хос томонларини, имконият даражаларини, санъатлар тараққиёти жараёнларидаги ютуқли ва муаммоли томонларини билишга интилиши азалдан юксак даражада бўлган. Шу боис, бугунги ахборот-коммуникатив имкониятлар ошган, глобаллашув жадаллашган бир шароитда бу масала янада ўткирлашиб ҳам бадиий-ижтимоий, ҳам

ижтимоий-иктисодий долзарблик кўрсатмоқда. Ҳар иккала жараённинг гармоник тарзда бориши ва ривожланишини таъминлашда жуда кўп омиллар қатори санъатшуносликнинг ўрни ҳам энг муҳим шартлардан бири бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда айрим тадқиқотчилар санъат ўз маҳсулига эга бўлганлиги сабабли уни ишлаб чиқариш тармоғига қўшадилар. Бошқаларнинг фикрича эса санъат маҳсули эстетик рамзга эга ва маданий жиҳатдан эстетик эҳтиёжни қондиришга қаратилмаган бошқа маҳсулотлардан ажралиб туради. Лекин иккала турдаги маҳсулот қандайдир маълум бир ахборот ташувчиси ҳисобланади ва қай бири айнан санъатга тегишли эканлигини аниқлаш баъзи бир холларда қийин бўлади. Баумолнинг фикрича, коллекционер масалан санъат предметини харид қилишидан эстетик завқ олиши билан бирга молиявий даромадни ҳам кўзлайди. Хониг эса рангтасвир асарини моддий маданиятнинг тугалланган предмети (артефакт), тасвирий маҳсул ва истеъмол предмети сифатида тавсифлаган.

Баррере ва Сантагата (1999) ҳайкалтарош Константин Бранкусининг санъатга тегишли ва санъатга тегишли эмаслигини қанчалик мураккаб эканлигини намойиш қилиш мақсадида 1927 йили Нью Йорқдаги Божхона бошқармасига қарши бўлган суд ишини мисол тариқасида келтирадилар. Унинг Нью Йорк портига олиб кирилган “Фазодаги қуш” номли ҳайкалини қандай товарлар гурухига киритиш қийинчилик туғдирди, чунки 1913 йилдан буён АҚШга келган санъатга тегишли барча товарлар божхона тўловларидан озод этилган эди. Лекин кўпчилик ҳайкални ишлаб чиқаришга хослиги ва ундан импорт божи ундирилиши кераклигини баҳслашишади. Бранкуси бу ишни ютиб чиқди, лекин ҳанузгача санъат маҳсулини аниқлашда кўплаб баҳслар олиб борилмоқда. Ушбу вақтда аниқланган омилларга санъат ишининг оригиналлиги ва ҳаққонийлиги, у қўлда ясалган ва ясалмаганлиги, унинг амалий қиймати ва истеъмол кўрсаткичлари киритилди. Ҳозирда кўплаб санъат ишларини унинг оригиналидан фарқлаш мушкул. Аммо саноат прототиплар оригинал ҳисобланса ҳам улар санъат асарлари эмаслигича қолаверади. Санъатнинг чегараси чексиз ва замонавий санъат вақт билан чегараланган, ҳамда оммавий ишлаб чиқариш омилларини ўзига жалб этади. Жисмоний оригиналлик ўрнини тез тез янги ғоялар эгаллайди. Санъатшуносликнинг ўзига хос қирралари, ривожланиш тенденциялари унинг субъект ва обьектларидаги ўзгаришларда намоён бўлади. Субъектларига санъат маҳсули яратувчилари, воситачилар ва истеъмолчилар кирса, обьектларини эса санъат маҳсули, ташкилотлар, шахслар ташкил этади. Санъатшунос эса

бу борада ўзига хос воситачи, асл санъат ва саноат маҳсулининг қийматини белгиловчи мутахассисидир.

Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилингач, миллий қадриятларни тиклаш ва уларни Истиқлол даври талаблари асосида ривожлантириш санъат ахлининг асосий вазифаларидан бўлиб қолди. Кино, театр, мусиқа, тасвирий санъат йўналишларида қадриятларимиз акс этган, улкан аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятига бағишлиланган фильмлар, спектакллар, ораториялар, картиналар яратила бошланди. Ўз навбатида мазкур янгиланишлар жараёни ҳам санъатшунослик тадқиқотларида акс этди. Янги даврнинг энг эътиборли жиҳатларидан бир шунда эдики, санъатшунослик фани ўз методологиясини ўзгартирди. Методологиянинг янгиланиши, уни миллий истиқлол мафкурасига мувофиқ тарзда мазмунан кенгайиши, методлар қамровининг ошиши санъат масалаларини кенг қамраб олишга, холис ва чуқур таҳлил, атрофлича тадқиқ қилишга имкон берди.

1.2. Санъат – инсоният бадиий фалсафий тафаккурининг меваси сифатида

Санъатнинг барча турларини санъатшунослик нуқтаи назаридан, уларнинг ўзига хос хусусиятларини англаш, оммабоп тарзда таҳлил ва тарғиб этиш малакасини эгаллашга қаратилган назарий, ижодий ва амалий масалаларни талаб этади. Бу борада барча турдаги методлардан комплекс тарзда фойдаланиш жаҳон санъатшунослиги амалиётида қабул қилинган.

Санъат – инсоният бадиий фалсафий тафаккурининг мевасидир. Шу боис унга бўлган инсон эҳтиёжи асло сўнмайди. Инсоният маданий тараққиёти замондан замонга қараб ўсиб, ривожланиб борар экан, санъатга бўлган эҳтиёж ҳам шунга монанд муттасил ўсиб боради. Замон тақозоси ва талаби сифатида янги турлар, янги жанрлар пайдо бўлаверади. Санъаткор бадиий тафаккурига, ижро маҳоратига, санъатнинг бадиий-фалсафий, ижтимоий-тарбиявий асосларига бўлган талаблар ҳам муттасил ўсиб бораверади. Иккинчидан, санъат мухлисларининг, демакки, кенг халқ оммасининг санъатдан бадиий-эстетик завқ олишга интилиши асносида унинг санъат турлари хусусиятларини англашга, санъаткорлар ҳаёти, ижоди, маҳоратларининг ўзига хос томонларини, имконият даражаларини, санъатлар тараққиёти жараёнларидағи ютуқли ва муаммоли томонларини билишга интилиши азалдан юксак даражада бўлган. Шу боис, бугунги ахборот-коммуникатив имкониятлар ошган, глобаллашув жадаллашган бир шароитда бу масала янада ўткирлашиб ҳам бадиий-ижтимоий, ҳам ижтимоий-иктисодий долзарблик қўрсатмоқда. Ҳар иккала жараённинг гармоник тарзда бориши ва ривожланишини таъминлашда жуда кўп

омиллар қатори санъатшуносликнинг ўрни ҳам энг муҳим шартлардан бири бўлиб келмоқда.

Санъат – кенг маъноли тушунчадир. Масалан, қадимги юнонлар мусиқа, рақс ва поэзияни санъат деб билганлар. Ўрта асрларда эса санъат таркибига тасвирий санъат, касалларни даволаш ва дорихона ишлари ҳам киритилган. Бугунги кунда “санъат” сўзи «воқеликни бадиий тимсоллар воситасида ижодий акс эттириш», «ишининг кўзини билиш ва маҳорат кўрсатиш жараёни», ҳар кандай ишнинг ўзи ва у талаб қиласидаги маҳорат даражаси маъноларида қўлланилади.

Санъат инсон меҳнати, ақл-идроқи, шуури билан яратилган вужудга келган, ижод қилинган нарсалардир. Санъат инсон фаолиятининг ижодкорлик турини англатиб ҳар бир санъат асарида шахснинг ўзига хос истеъдоди намоён бўлади. Ва ниҳоят санъат инсоннинг маҳорати билан чамбарчас боғланиб кетгандир. Бадиий фаолият куртаклари эстетик эҳтиёжлардан секин-аста бадиий эҳтиёжлар холда намоён бўлиб боргани сари, ақлий ва жисмоний меҳнатнинг уйғунлашиб бориши жараёнида санъат ҳам ривожланади. Ақл идрок ва қўл мутанносиблиги ажойиб, ҳайратомуз санъат мўъжизаларини яратишга олиб келди. Санъат ҳар доим меҳнат билан уйғун тарзда ривожланиб боради. Шу боис бадиий фаолият шакллари инсон меҳнати заминида вужудга келиб, бевосита меҳнат жараёнлари билан чирмашиб кетган. Бадиий фаолиятнинг илк шаклларида ёк санъатнинг жуда кўп белги ва хоссалари пайдо бўлган. Лекин уларда якка шахс омили етишмайди, бунга мисол қилиб, қадим петроглифларни олиш мумкин.

Санъат ва шахс. Санъат бошидан охиригача шахсдан бошланади, шахс билан шаклланади, шахс билан қадр топади. Шахс санъат ижодкори, бадиий қадриятлар яратувчиси бўлиши билан бирга шахс сифатида санъатнинг асосий обьекти ва мавзуси ҳамдир. Қадимги одамлар бадиий фаолияти жараёнида табиатнинг рамзий-тимсолий акс эттиришда инсоннинг муаллифлик услуби пайдо бўлди. Бадиий муаллиф – ижодкорнинг бетакрор истеъдодини намоён қиласиди.

Санъатнинг ижтимоийлик характеристи. Санъат тарихий тараққиёт жараёнида ҳамиша ижтимоий эҳтиёжларни қондириб келган. Санъат ижтимоий ҳаётнинг мураккаб, ранго-ранг муносабатлари билан алоқадор бўлиб, у бир вақтнинг ўзида ҳам меҳнатнинг алоҳида тури ҳам ижтимоий онгнинг бир шакли ҳам ўзига хос билим соҳаси ҳам ижодий фаолиятнинг бир кўриниши сифатида амал қиласиди. Санъат биринчи навбатда ижтимоий онг шаклидир, унинг бошқа барча тавсифлари ана шу сифатидан келиб чиқади ва шу таҳлилга асосланади. Санъат ижтимоий турмуш жараёнлари

билан боғлиқ. Буни қадимги одамларнинг моддий ва маънавий бойликлар яратишда яққол кўзга ташланади. Санъат ижтимоий ҳаётнинг мустақил соҳаси бўлиб, ўзига хос қонуниятлари, вазифаларига кўра алоҳида жамият бирлигини ифодалайди. Санъат жамиятнинг барча соҳаларига таъсир ўтказади, ижтимоий онгнинг барча шакллари билан алоқага киришади. Санъат билан ижтимоий ҳаётни боғлаб турадиган жуда кўп воситачи ҳалқалар мавжуд. Санъат тараққиётининг нисбий мустақиллиги шу билан изоҳланадики, жамият бадиий равнақининг даражаси ҳамма вақт унинг иқтисодий тараққиёти даражасига мос келавермайди, яъни санъат равнақи билан жамият бадиий асоси ўртасида ҳамма вақт ҳам мутаносиблик бўлмайди. Жамият бадиий равнақининг даражаси, унинг тараққиёти ёки таназзули, санъатнинг у ёки бу кўринишида ёрқин ифода топиши ижтимоий муносабатлар табиатига, мафкуравий ҳаёт хусусиятларига, жамиятда шахснинг эгаллаб турган мақомига боғлиқ.

Назорат саволлари;

1. Санъатшунослик фанининг ижтимоий аҳамияти нимада?
2. Санъат тараққиёти ва санъатшунослик муносабатларини қандай талқин қиласиз?
3. Санъатнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва ролини шарҳланг.
4. Санъатнинг ижтимоий онгга таъсири масаласини қандай тушунасиз?
5. Глобаллашув даврида санъат ва жамият муносабатлари борасида фикрингиз қандай?
6. Санъат ва шахс деганда нимани тушунасиз?
7. Санъатнинг ижтимоийлик характеристи нимада?
8. Санъат тараққиётининг омиллари.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аристотель. Поэтика. - Тошкент? 1978 й.
2. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. М., 1979.
3. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. М., 1989.
4. Вельфлин Г. Основные понятия истории искусств. Спб., 1994.
5. Гачев Г.Д. Содержательность художественных форм. Эпос. Лирика. Театр. М., 1968.
6. Коган И. Морфология искусства. -М.: Искусство, 1972.
7. Зрелищные искусства в системе художественной культуры Узбекистана XX века. Сборник статей. Т.1.Научный ред. М.Туляходжаева. - Ташкент:San`at, 2008.- 239 с.
8. Исмоилов Э. Маннон Уйғур.-Тошкент: Адабиёт ва санъат н., 1983.-288 б.
9. Исломов Т. Тарих ва сахна.-Тошкент:- Ф.Фулом нашриёти, 1998.-136.б.

10. Кайдалова О.Н. Традиции и современность. Театральное искусство Средней Азии и Казахстана. -М.: Искусство,1977. -296 с.
11. Мухтаров И. А.Театр и классика. - Т.: изд. им. Г.Гуляма,1988. - 176 с.
12. Мухтаров И. А.Театр и его актёры (Тенденции развития узбекского сценического искусства 50-60 годов. На материале театра им.Хамзы). – Ташкент: Фан,1989.-146 с.
13. Раҳмонов М.Ўзбек театри тарихи (XVIII асрдан XX аср аввалигача ўзбек театр маданиятининг тараққиёт йўллари). -Тошкент: Фан,1968.-430 б.
14. Раҳмонов М. Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри тарихи. Биринчи китоб (1914-1960 йиллар.)-Тошкент: F.Фулом номидаги нашриёт, 2001.-328 б.
15. Қодиров М.Ўзбек музикали драмаси.–Тошкент:Ўзкомпартия,1971.-40б.
16. Қодиров М. Ўзбек театри тарихи (XVIII-XX асрлар).–Тошкент: Ижод дунёси, 2003.-240 б.

2-мавзу. Театр-синтетик санъат сифатида

Режа:

- 1.1. Театр санъатининг ўзига хослиги
- 1.2. Театр санъатининг тарихий шаклланиш йўли
- 1.3. Театр функцияси ва унинг илмий назарий асослари

Таянч иборалар: театр санъати, драма, комедия, сатира, трагедия, режиссура, пантомима, опера, балет, декорация, сахна, томошабин, спектакл, пеъса, актёр, мезонсахна, мусикали драма, қўғирчақ театри, майдон ўйинлари ва маросимлари.

1.1.Театр санъатининг ўзига хослиги

Театр – объектив борлиқдаги воқеа-ходисаларни сўз, соз, мусика, ракс, понтомима, ҳаракат орқали ифодаловчи санъатнинг энг оммавий ва қадимий турларидан биридир.

Театр – юононча “театрон” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “томушагоҳ” маъносини англатади. Актёрларнинг сахнавий ҳаракатлари орқали ҳаётни, ҳаётий ходисаларни бадиий равишда акс эттирувчи санъат тури, шу санъатга асосланган томошалар ҳам театр деб аталади. Ёки Шундай санъат намойиш қилинадиган, томошалар кўрсатиладиган бино тушунилади. Умумий маънода эса актёрларнинг сахнадаги орқали кўрсатиладиган томоша, спектакл назарда тутилади. Айни пайтда мустақил санъат тури бўлиб, унинг ўзига ҳос ифода воситаси, актёрнинг омма олдидаги ўйини жараёнида юзага келадиган сахнавий воқеалардан таркиб топади. Бошқа санъатларда бўлганидек театр санъатида ҳам халқ ҳаёти, тарихи,

дунёқараши акс этиб, жамият тараққиёти, маънавияти, маданияти билан боғлиқ ҳолда ўзгариб, такомиллашиб боради. Театр асосида ёзма ёки оғзаки драматургия ётади.


Театр санъати синтетик санъат бўлиб, жамият ҳаётида томошабинларнинг маънавий ва эстетик тарбиясида муҳим ўрин тутади. Унда драматургия, мусиқа, тасвирий санъат, рақс, меъморлик ажralмас бирликни ташкил этади.

Театрнинг санъатининг муҳим воситаларидан бири – саҳна нутқидир. Актёр қаҳрамоннинг пеъсадаги сўзларини ўзлаштириб олар экан, қаҳрамон қиёфасида, ҳолатларда туриб унинг нутқий тавсифини яратади, бошқа персонажлар билан мулоқоттга киришади. Саҳна нутқи ҳаракатларнинг очилишида, асар мазмуни, конфликтининг ёритилишида муҳим ўрин тутади.

Саҳна асарларининг яратилишида театр рассоилари (сценографияси) нинг ҳиссаси катта. Рассом асар мазмуни, ғояси ва режиссёрлик ечимидан келиб чиқиб, ўзига ҳос ва саҳна кўринишларига мос декорация яратади. Бу эса маълум маънода саҳна асарининг муваффақиятини таъминлайли.

Театр санъатида мусиқанинг ҳам алоҳида ўрни бор. Томоша тури ва жанрига боҳлиқ ҳолда у турли вазифани бажаради: драматик санъаткорларда ёрдамчи восита бўлса, опереттада, мусиқали драммада сўз билан баробар ҳуқуққа эга. Опера ва балетда эса ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Театр санъати фани юртимизда ва бутун дунёда театр санъатининг келиб чиқиши, тарихий тараққиёт босқичлари, ҳозирги долзарб муаммолари ва бадиий жараёнларини ўрганадиган, таҳлил қиласиган мустақил фанлардан биридир.



Трагедия – юнонча сўз бўлиб драманинг бир тури – ҳаётий кучлар, қарамакарши характерлар, эҳтирослар ўртасидаги кескин кураш, конфликт даҳшатли воқеа, ходиса, мудҳиш ахвол. асос қилиб олинган ва кўпинча

қаҳрамоннинг ҳалокати билан тугайдиган фожиали асар (Шекспирнинг “Гамлет”, Шайхзоданинг “Мирзо Улугбек” трагедиялари).

Комедия – ҳаётда кечеётган ижтимоий-сиёсий ва бошқа воқеаларнинг асл қиёфасини масхаловчи кулгили саҳна асари.

Трагикомедия – фожиали комедия, ҳам трагедия, ҳам комедия элементларини ўз ичига олган саҳна асари.

Сатира – юононча сўз бўлиб ҳаётдаги салбий ходисаларни, камчилик а нуқсонларни қаттиқ масхаралайдиган, қоралайдиган ўткир ҳажвий асар.

Театр санъатининг асосий йўналишлари:


1. Драма театри
2. Мусиқали драма
3. Сатира театри
4. Опера ва балет театри
5. Оперетта театри
6. Қўғирчоқ театри
7. Қизиқчи ва масхарабозлар театри
8. Театр студиялари
9. Эстрада театри
10. Модалар театри



Teatr – инсонларнинг, қолаверса ҳалқларнинг ўзаро мулоқати учун, уларнинг калбидаги яширин фикрлари ва хиссийтларини ёритиш ҳамда англаш учун хизмат қилувчи восита. Актёрнинг хаққоний, ифодали хатти-харакати – театрнинг бадиий моҳияти хисобланади.

Ўзбек тилида кўпинча томоша атамасини ишлатиш одат тусига кирган. “Томоша” сўзи асли арабча бўлиб, ҳозирги ўзбек тилига ўтирганимизда қараш, кўздан кечириш, нигоҳ ташлаш деган маъноларни англатади. Пофессор М.Қодиров “томуша” сўзининг моҳияти хусусида тўхталар экан, қуидаги мулоҳазаларни билдиради. “Томуша-бу” кўпчилликка қаратилган ва кўрувчини асосан қувонтирадиган ҳангомалар, ўйин-кулгилар, буюмлар манзаралар, ижрочилик санъатлари (мусиқа, масхара, муқаллид, қўғирчоқ ўйин, қиссангўйлик, воизлик, дорбозлик ва ҳоказолар) намоёндаларининг чиқишли; ҳалқ ўйинлари, маросимлари, мана шуларнинг ҳаммаси кўриш, улардан таъсирланиш жараёнидир. Томушада икки томон-ижрочи ва томошабинларнинг жонли мулоқоти муҳим ҳал қилувчи хусусиятдир. Томушалар ҳалқ ва давлат байрамлари, турли-туман маросимлар ва тўйлар

муносабати билан ташкил этиладиган базм ва сайилларда якка ёки бир гурух ижрочиларнинг ҳоҳишлари билан тўпланадиган йигин ва маъракаларда бўлиб ўтади”. Манбаларга қараганда, томоша кўрсатиладиган жой ўтмишда “томушагоҳ”, “зўрхона” (кураш уюштирилдиган майдон) “тарабхона”, “маърака майдони”, “сайилгоҳ”, “ўйингоҳ”, “тойпон” (улок мусобақалари ўтказилаётганда ғолиб чавандозларга совринни тантанали топширадиган саҳна) каби турли маҳаллий тушунчалар истеъмол қилинган. “Маърака” сўзининг луғавий маъноси уруш майдонидир. Истилода ва кўчма маънода эса халойиқ тўпланадиган ва ҳар хил кишилар ўртага чиқиб қобилияти, ҳунарини намойиш этадиган жой ҳам маърака дейилган.




Халойиқ ўртасида кўрсатиладиган томошаларда энг муҳим хусусият ишқибозлар билан ижрочилар ўртасидаги мулоқотdir. Томошалар ўтадиган жойларнинг маърака деб аталиши ҳам шундан. Жанубий вилоятларда халқ орасида “тўпхона”, “давра”, “кур” каби маҳаллий атамалар ҳам ишлатилади. Томошаларни чор атрофда кузатиб, ҳордиқ чиқариш билан бирга маълум даражада унда иштирок этувчилик “томушачи”, “томушабин” деб аталади. XX асрда рўй бера бошлаган маданий трансформация жараёнлари натижасида бундай атамалар сафига янгилари келиб қўшилди. Замонавий биноларнинг курилиши, Оврўпо намунасидаги янги, ҳар тарафлама қулай томоша саройларининг қарор топиши бунга сабаб бўлди. “Театр”, “томуша зали”, “маданият саройи”, “санъат саройи”, “санъат галереяси”, “қўргазма зали”, “кинотеатр”, “павильон”, “цирк манежи”, “спорт саройи”, “стадион”, “ипподром”. “теннис корти”, “бассейн” каби атамалар шулар жумласидандир. Бугунги кунга келиб бундай атамалар ҳам мазмун ҳам сон жиҳатдан янада кенгайиб бормоқда.

1.2. Театр санъатининг тарихий шаклланиш йўли

Театр санъати узоқ тарихга эга бўлиб, унинг асосий унсурлари (бошқа қиёфага кириш, диалог, тўқнашув каби) инсониятнинг қадимий даврларида, овчилик меҳнат ва диний маросим, байрамлар билан боғлиқ тотемизм, анимизм каби қадимги дунёқараашлар ва аждодлар руҳларига сифиниш билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Юнонистон, Ҳиндистон, Марказий Осиёда

милоддан аввалги түққизинчи асрдаёқ томоша санъатлари жамият ҳаётида мұхим ўрин тутган.



Хиндистонда театр санскрит тарзида халқ театри шаклларида ҳамда “Махобхорат” ва “Рамаяна” достонлари билан боғлиқ ҳолда ривожланган. Драматургия ва саңна санъати ҳақида ”Натъяшастра” номли рисола яратилған. Кейинроқ театр яқин шарқ ва римга ҳам ёйилған. Айниқса римда театрнинг янги шакли ва турлари яратилған. Ғарбий Европада театр санъатининг дастлабки намуналари сайёр актёрлар жанглёрлар ижодида, Россияда рус скоморохлари фаолиятида юзага келған. Уйғониш даврида вужудға келған драма янги шаклдаги профессионал театрнинг шаклланишига замин яратди. Ўн олтинчи аср охири – ўн саккизинчи аср ўрталаридан балет санъатига асос солинган бўлса, ўн түққизинчи аср ўрталаридан оперетта мустақил театр тури сифатида ривожлана бошлади.



Театр санъатининг кейинги тараққиёти классизмнинг кенг ёйилиши билан боғлиқ бўлди. Ўн саккизинчи асрда маърифатчилик оқимидағи театр тараққий этди. Аста секин реалистик тенденция кучайди. Айниқса, Гальдони, Шиллер кабилар ижодида реализм ёрқин намаён бўлди. 18 асрнинг охирларига келиб драма, мелодрама, комедияларда сатирик йўналишларнинг юзага келиши театрда демократик асоснинг кучайишига сабаб бўлди. Театр ғоявий ва бадиий курашлар майдонига айланди. XIX асрнинг биринчи ярмида вужудға келған романтик йўналиш театрда

гуманистик идеаллар ва кўп ҳолларда ҳаётий орзуларнинг ёритилишига олиб келди. Драмада тақлидгўйликдан иборат классицизмга қарши ўзига ҳос миллийлик, халқчиллик, тарихийлик ва ижтимоий адолат учун кураш оҳанглари кенг қулоч ёйди.



Италиядаги Колизей театри V-IV аср

XIX аср охирларидан театрни ислоҳ қилишининг янги даври бошланди. Театр бадиий адабиёт (проза, поэзия), янги драма (Чехов ва бошқалар) билан бойиди. XIX аср охирларида XX аср бошларида театрларда актёрлик санъатида ҳам янги таълим услуби – Станиславский системасини қўллаш бошланди. XX асрнинг йигирманчи йилларида Мейерхольд, Вахтанговларнинг режиссёрик фаолияти театрнинг ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди. XX аср ўрталарида Фарб режиссураси ва саҳна санъатига Б.Брехтнинг ижодий услуби катта таъсир кўрсатди. Замонавий театр дунё театрининг демократик, халқчил анъаналарини мустақил ўзлаштириб бориши, саҳнавий талқинларнинг ранг-баранглиги билан ажralиб туради.



Италия опера театри 1875 йил қурилган

Ўзбекистонда анъанавий театр тарихи жуда қадимийдир. Унинг куртаклари ибтидоий жамоа давридаёқ ов ва бошқа меҳнат жараёнлари акс этган тақлидий рақслар, жанговар ва бошқа халқ ўйинлари, табиат кучларига топиниш оқибатида юзага келган маросимлар шаклида намоён

бўлган. Милоддан аввалги VII-VI асрдаёқ туронда зардуштийлик ва унинг муқаддас китоблар тўплами Авесто билан боғлиқ икки тоифа кулгили ва қайғули томошалар шаклланган. Юнон бақтрия подшолиги даврида Ойхоним, Ниса, шахри Ғулғулада махсус театрлар бўлиб, уларда Европиднинг “Алкеста”, “Ипполит” каби трагедиялари кўрсатилганлиги маълум. Милоддан аввалги 1-асрлардан милодий 4-асрда Кушон давлатида Будда дини билан боғлиқ турли театрлашган томошалар мавжуд бўлган. Айритом ибодатхонаси пештоқидаги чолғучи қизларнинг тасвиirlари шуни кўрсатади. Аста-секин Туронда театр санъати диний маросимлар қобиғидан чиқиб дунёвий мазмун касб этади – инсон ҳаёти, ижтимоий муносабатларни тасвиirlашга эътибор кучаяди.

VI-VII асрларда Турон юртидан чиққан чолғучилар, актёр ва раққосалар Буюк ипак йўли орқали қўшни юртларга ижодий сафар қиласидилар. 1X-X11 асрларда халқ байрамлари, маросимлари, урф-одатлари ва улар билан боғлиқ томошалар тикланибгина қолмай, аҳоли орасида кенг тарқалдди. Масхара ва тақлид театрни ҳар жиҳатдан ривожланди. Темурийлар даврида театр санъатида кескин юксалиш рўй берди. Шарофиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Клавихоларнинг маълумотларича бу даврда пойттаҳт Самарқанд ва бошқа нуфузли шаҳарларда оммавий театрлашган майдон томошалари уюштирилган. Анъанавий театр ва бошқа санъат томошалари айниқса Миззо Улуғбек даврида (1394-1440) Моварауннаҳрда, Хусайнин Бойқаро даврида (1469-1576) Хурсонда тараққий топди.

XX асрга келиб, Ўзбекистон худудида биринчи европача русумдаги профессионал театр пайдо бўлди. Бу театр жамоаси 1913 йилнинг ўрталарида Тошкент шаҳрида шаклланиб, 1914 йилнинг бошларида илк миллий пьеса – томошани саҳнага қўйган ва шу тариқа расман фаолият бошлаган ва дастлаб “труппа” деб аталган. “Труппа” асли театр ва цирк йўналишидаги ижодий жамоа маъносини англатадиган сўз бўлиб, Россияда театр гуруҳлари “театральные труппы” деб аталар эди. Туркистон XX аср бошларида Чор Россиясининг мустамлакаси бўлгани учун театр соҳасида ҳам империянинг ҳукмрон ақидаларига бўйсунишга тўғри келар, айниқса, театрдек йирик маданий муассасани расмий рўйхатдан ўтказиш, унинг фаолияти учун рухсат олишда шундай йўл тутиш талаб қилинар эди. Ана шу тарихий воқеаларнинг бевосита иштирок-чиси, ташкилотчиси бўлган атоқли педагог, адаб ва драматург Абдулла Авлоний “Таржимаи ҳол”ида бу ҳақда қуйидаги маълумотларни ёзиб қолдирган: “1913 йилдан бошлаб халқнинг кўзин очмоқ, маданиятга яқинлаштироқ учун театруга киришиб, театру ишларини йўлга қўювчиларнинг бошлигу бўлуб, Туркистоннинг бир

нечашаҳар-ларига бориб ўзбеклар орасида театруга йўл очдим... "Турон" исмли театральний благотворительный жамиятни юзага чиқардим". Таъкидлаш керакки, ўша даврга оид бошқа ҳужжат ва далиллар ҳам 1913 йилда ҳаваскорлар гурухи шаклида иш бошлаган буижодий жамоа 1914 йилдан эътиборан "Турон" труппаси номини олиб, професионал асосда фаолият кўрсата бошлаганидан гувоҳлик беради.

Мазкур труппа 1913 йилнинг июнь-июль ойларида норасмий равишда спектакллар кўрсатишни бошлайди. Ижодий гурухнинг ташкилий ва тарғибот ишларида Тошкент маърифатпарварларининг етакчиси Мунаввар қори Абдурашидхонов фаол иштирок этади. Труппанинг ilk спектакли 1913 йили 8 августда Шайх Хованд Тоҳур боғида "Томоша кечаси" сифатида ўтказилади. Қайд этиш керакки, ўша пайтда Туркистон ўлкасининг бошқа биронта шаҳрида миллий театр жамоаси йўқ эди. Самарқанд шаҳрида ҳафтасига бир марта нашр этиладиган "Ойина" журналининг 1913 йил 14 ноябрь сонида "Падаркуш" театр рисоласи чоп этилгани ҳақида маълумот берилиб, бу асарни саҳнага қўйиш учун муаллифдан рухсат олинганига қарамасдан, у ҳануз ўйналмай тургани айтилади.

Тошкентда 1913 йилнинг декабрь ойидан бошлаб "Падаркуш"ни саҳналаштириш учун ҳозирлик ишлари бошланади. Бу жараёнда янги усул мактаблари муаллимлари фаол иштирок этишади. Чунончи, Абдулла Авлоний, Муҳаммаджон қори, Низомиддин Хўжаев, Шокиржон Раҳимий каби маърифатпарварлар бу борада жонбозлик кўрсатадилар. Тошкентлик ҳаваскорлар тайёрлаган спектаклга Муҳаммадёров деган татар зиёлиси режиссёрик қила бошлайди. Лекин тайёргарлик ишлари суст бўлиб, драмани саҳнага қўйиш чўзилиб кетади. Ана шу пайтда, 1914 йилнинг бошларида Самарқанддан Алиасқар Асқаров Тошкентга келиб, ҳаваскорлар билан танишади ва режиссёрик вазифаси унга топширилади. Шу тариқа тайёргарлик ишлари тез орада ниҳояланиб, 1914 йилнинг февраль ойида "Падаркуш" пьесасини – озарбайжонча "Хўр-хўр" комедияси билан биргалиқда – саҳнага қўйиш мўлжалланади. Ўша йили 27 февралда Тошкентнинг Янги шаҳар қисмида жойлашган "Колизей" театрининг бир минг юз кишилик томошахонасида кечки соат еттида Тошкент театр ҳаваскорлари расман спектакллар намойишини бошлайдилар. Шу муносабат билан чиқарилган маромнома – афишадан маълум бўлишича, театр кечаси уч қисмдан ташкил топган эди. Биринчи қисм – Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Падаркуш" пьесаси асосидаги спектакль намойиши. Иккинчи қисм – озарбайжон актёрларидан Алиасқар Асқаров, Гулузорхоним ва М.Шахбалов ижросидаги бир пардалик "Хўр-хўр" кулгу томошаси. Учинчи қисм "Миллий ўқиши ва жўрлар" деб номланган бўлиб, унда саккизта номердан

иборат концерт кўрсатилиши назарда тутилган эди. Концертда Мулла Тўйчи ҳофиз, машхур раққоса Қурбонхон, Мулла Аҳмаджон тўра каби санъаткорларнинг қатнашиши, Абдулла Авлоний қаламига мансуб "Туркистон фарёди" ва "Тўй" номли манзумалар жўрликда ижро этилиши маълум қилинган эди. Маромнома сўнгида кеча учун масъул мудир Абдулла Хўжа ўғли, режиссёр Алиасқар Асқаров экани қайд қилинган. Томоша аввалида саҳнага Мунаввар қори Абдурашидхонов чиқиб, бутун ижодий жамоани буюк маданий ҳодиса билан табриклайди. Ҳақиқатан ҳам, ўша куни бутун Туркистон тарихида илк бор европа мезонларига мос бўлган, айни пайтда миллий томоша анъаналарига асосланган профессионал театр санъатининг тамал тошиқўйилган эди.

"Турон" труппаси 1915 йилдан бошлаб театр билан бирга шакллана бошлаган ўзбек драматургиясининг янги намуналарини мунтазам саҳналаштириб боради. Масалан, 1915–1916 йилларда Абдулла Қодирийнинг "Бахтсиз куёв", Ҳожи Муъиннинг "Мазлума хотун" пьесалари труппа репертуаридан жой олади ва труппа илк қадамларидан бошлаб янгиликка, ҳамкорликка интилиб, профессионал жамоа сифатида шаклланишга, ижодий ўсишга, халқнинг маданий-маърифий савиясини кўтариш йўлида, ўта қийин бир шароитда, дадил ташабbusлар кўрсатишга ҳаракат қиласди.

"Турон" труппасининг негизини ташкил этган актёрлар қуйидагилар эди: Ҳасан қори, Эшонхўжа Хоний, Сами қори (Абдусаме Зиёбов), Абдулла Авлоний, Бадриддин Аъламов, Шораҳим домла Шоҳиноятов, Низомиддин Хўжаев, Шокирjon Раҳимий, Кудратулла Махзум, Муҳаммадхон Пошшохўжаев, Башруллоҳон Хўжаев, Абдулазиз Хўжаев, Мусахон Мирзахонов, Умарқул Анорқулов, Фузайл Жонбоев, Салимхон Тиллахонов, Кудратулла Юнусий, Тўлаган Хўжамёров, Убайдулла қори Эргозиев. Улар сафига 1916 йилдан бошлаб Сулаймон Хўжаев, Маннон Уйғур, Ғулом Зафарий қўшилган. Баъзи илмий манбаларда труппада Абдураҳмон Акбаров, Юсуф Алиев, Саъдуллаҳўжа Турсунхўжаев, Мусо Азизов, Мирмулла Шермуҳаммедов, Муҳиддин Шарафиддинхўжаев ишлагани ҳақида ҳаммаълумотлар учрайди. Хуллас, "Турон" труппаси 1917 йилнинг суронли ҳодисаларига қадар салкам ўттиз кишидан иборат доимий актёрлар гуруҳи, Низомиддин Хўжаев, Абдулла Авлоний, Бадриддин Аъламов каби режиссёrlари, рўйхатга олинган низоми, миллий ва умумбашарий руҳдаги асарлардан ташкил топган репертуари, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида ўзининг қишки ва ёзги саҳнаси, аниқмақсад ва вазифаларга эга бўлган профессионал театр труппаси эди. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, у нафақат Тошкент ва Ўзбекистон ҳудудида, балки бутун Ўрта Осиёда

европача театр маданияти ва анъаналарининг шаклланиши, ривожланиши учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилди.

Туркистон ўлкасида 1917 йили большевикларнинг ҳокимият тепасига келиши ҳалқимиз ҳаётининг барча йўналишлари қатори театр маданияти ривожи учун ҳам катта ташвиш ва муаммоларни юзага келтирди. Бу воқеа эндиғина пайдо бўла бошлаган миллий ўзбек театри тараққиётини амалда мутлақо бошқа ўзанга буриб юборди. 1917 йил воқеалари арафасида тарқалиб кетган "Турон" труппасининг Низомиддин Хўжаев, Гулом Зафарий, Бадриддин Аъламов, Ғози Юнус, Шокиржон Раҳимий ва Қаюм Рамазон каби аъзолари Маннон Уйғур раҳбарлигига "Турон" театрини тиклаш, унинг маърифатпарварлик ва тараққийпарварлик анъаналарини давом эттиришга қарор қилишади. Аммо янги воқелик талабларига жавоб берадиган тўлақонли саҳна асарлари ҳали пайдо бўлмаган эди. Шу сабабли "Турон" театрида 1918 йилнинг март ойидан 1919 йилнинг сентябрь ойига қадар саҳналаштирилган 16 та пьесадан 15 тасини бир пардали асарлар ташкил этади. Бу асарлар орасида шоир ва бастакор F.Зафарийнинг "Тилак", "Ёмон ўғил", "Раҳимли шогирд" сингари мусиқали пьесалари ҳам бор эди.

Улар 20-йилларда, бир томондан, ўзбек болалар драматургияси, иккинчи томондан эса, миллий мусиқали драма театри шаклланиши учун пойдевор бўлиб хизмат қилади.

1920 йилнинг март ойида Маннон Уйғур раҳбарлик қилган Карл Маркс труппаси "Тараққий" ҳаваскорлар тўгараги билан бирлашганидан сўнг Ўлка давлат намуна труппаси юзага келади. Уйғур раҳбарлик қилган бу труппага татар театр арбоби Камол Биринчи режиссёр сифатида таклиф этилади. Е.Бобоҷонов, М.Қориева, О.Жалилов, С.Олимов, М.Муҳамедов, А.Ардобус (Иброҳимов), Ш.Нажмиддинов эса труппанинг ижодий ўзагини ташкил этади. Труппа 1925 йилда Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги пойтахти Самарқандга кўчиб боргунига қадар ҳалқ ва мамлакат ҳаётига яқинлашишни, кенг ҳалқ оммасини ҳаяжонлантирган долзарб ҳаётий муаммоларга мурожаат этишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. 1920 йил 26 марта намойиш қилинган Ҳамзанинг "Заҳарли ҳаёт" драмаси, F.Зафарийнинг "Ҳалима" мусиқали драмаси оз борада муҳим аҳамият касб этди. Орадан икки йил ўтгач, 1924 йил 20 июнда Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" (Хуршид инсценировкаси), 15 декабря эса Фузулийнинг "Лайли ва Мажнун" (Узеир Ҳожибеков инсценировкаси ва мусиқаси) достонлари асосида мусиқали спектакллар тайёрланиб, намойиш қилинади.

1920 йилнинг баҳорида Ўлка ўзбек давлат намуна труппаси ташкил этилганидан сўнг унга Тошкентнинг Янги шаҳар қисмидаги 600 кишилик

"Халқ уйи" биноси берилади ва Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон театр директори этиб тайинланади. 1914 йилдан бошлаб драматургияда ҳам қалам тебрата бошлаган Чўлпон 20-йилларнинг аввалида "Ёрқиной" ва "Халил фаранг" пьесаларини ёзди. "Ёрқиной" 1920 йил 24 ноябрда, "Халил фаранг" эса 1921 йил 2 февралда театр саҳнасида намойиш этилади. Умуман, театр фаолияти, унингижодий камолатида Чўлпон алоҳида ўрин тутади.

1921–1924 йилларда театр репертуарида фақат Ҳамзанинг "Иффат курбони", Фитратнинг "Або Муслим", Ҳуршиднинг "Фарҳод ва Ширин" асарлари бўлгани туфайли таржима асарларни кўпроқ саҳналаштиришга тўғри келади. Чунончи, озарбайжон драматурги Ҳусайн Жовиднинг "Иблис", "Шайх Санъон" ва "Морал" асарлари шундай асарлар сирасидан эди. 1924 йилнинг ноябрь ойида Маннон Уйғурнинг саъй-ҳаракати билан Москвада Ўзбек драма студияси ташкил этилади. Тошкентдан борган Ўзбек давлат намуна труппаси аъзолари студияда илк бор театр санъати назарияси ва амалиёти билан таниша бошлайди. Кейинчалик М.Уйғур, Е.Бобожонов, А.Хидоятов, Ҳожи Сиддиқ, М.Муҳамедов сингари "намуна"чилар сафига Тошкентдан Т.Сайдазимова, С.Эшонтўраева, З.Хидоятова, Бухородан Л.Нарзуллаев, Ҳ.Латипов, С.Табиуллаев, Ш.Қаюмов, Қўқондан Б.Эрмаматова, Андижондан И.Каримов ва бошқалар келиб қўшилади. Студияда ўзбекистонлик тингловчиларга актёрлик маҳорати, режиссура ва бошқа ихтисосликлардан Р.Симонов, И.Толчанов, В.Канцель, О.Басов, Л.Свердлин сингари рус театрининг йирик намояндлари сабоқ беради.

Орадан бир ўтгач, 1925 йилда бир гурух санъаткор ёшлар Бокудаги Озарбайжон давлат театри техникумiga ўқишига юборилади. 1927 йил ёзида Москва ва Боку студияларининг тингловчилари таҳсилни тутатиб, она диёримизга қайтиб келишади. Бу эса вақтинча фаолиятини тўхтатган Ўлка давлат намуна труппасининг қайта тикланиши ва Ўзбек драма труппасининг ташкил этилишига имкон яратади.

Мазкур труппа томонидан 1927 йил 31 октябрда "Маликаи Турондот" спектаклининг Вахтангов театри анъаналари асосида тайёрланган Р.Симонов талқини томошабинларга тақдим этилади. Орадан бир ўтгач, 1928 йил 30 октябрда Маннон Уйғур уни янада такомиллаштирган ҳолда саҳнага қўяди. Ўша йилларда Чўлпоннинг "Ёрқиной", Фитратнинг "Арслон", В.Ян ва Чўлпоннинг "Хужум" каби санъат талабларига бирмунча жавоб берадиган пьесалари намойиш қилинади.

1.3. Театр функцияси ва унинг илмий назарий асослари

Театр санъатининг бош функцияси санъат воситасида кишилар руҳини озиқлантириш, маънавий оламига таъсир кўрсатиш, бир сўз билан айтганда тафаккур дунёсида ўз ўрнига эга бўлишдан иборат. Ўзининг барча тур, йўналиш ва жанрларидан қатъий назар театр мана шу функцияни бажараши лозим. Бугунги кунда мамлакатимизда драма, мусиқали драма, опера, балет, оперетта театрлари фаолият олиб боради. Мазкур турларнинг ҳар бири ўзининг мустаҳкам асослари, воситаларига эга. Театрнинг энг асосий ифода воситаси бу актёрдир. Зеро, драматург ғояси, режиссёр фикри, рассом фантазиясини талқин этишда асосий юк актёрга қўйилади. Саҳнада спектаклнинг буткул тақдири актёр орқали етказилади ва намоён бўлади.

Ўзбек мусиқали драмасида хонанда – актёрнинг ўрни юзасидан бир қатор қарама-қарши фикрлар пайдо бўлган, улар ижодий амалиётда ҳам баъзи тортишувларга сабаб бўлиб, жанрни илмий-назарий талқинида чалкашликларга олиб келди. Зеро ҳар қандай мусиқали драма асарининг мазмунини инсон, унинг ҳис-туйғу ва ўй-хаёлларининг мураккаб дунёси ташкил этади. У саҳнада яшайди, ҳаракат қиласи, воқеаларнинг бевосита иштирокчиси сифатида, уларга баҳо беради. Ҳар бир алоҳида образнинг, шу билан бирга бутун спектаклнинг бадиий-гоявий моҳияти инсоннинг бошқа кишилар, атроф-мухит билан ўзаро муносабатларида, тўқнашувларида намоён бўлувчи динамикасида, ҳарактерининг узлуксиз диалектик ривожланишида очиб берилади. Мусиқали драма саҳнасида бу вазифани қўшиқчи-актёр бажаради. Шунга кўра спектаклнинг концепциясини ишлаб чиқиша у муҳим аҳамият касб этади.



Ўзбек мусиқали драмасида қўшиқ жанрнинг ва актёр ижросининг асосий жиҳати ҳисобланади. Қўшиқ саҳнавий жараёнини ифодаласагина драматургиянинг ажралмас қисми бўлади. У ўзининг мустаҳкам санъатлигини йўқотиб, бошқа санъатлар билан бирга драматургик йўналишга сингиб кетади ва яхлит асар киёфасини ташкил этади.

Вокал мусиқаси драматургия хусусиятлари, характерлар тўқнашуви, ечими, асарнинг умумий оҳанги билан белгиланиб, образ яратувчи, саҳна воқелигини боғланувчи, уйғунлаштирувчи, умумлаштирувчи воситаларга хизмат қиласди. Демак, у драматургиянинг фаол, таъсирчан ифодавий-тасвирий кучи ва ғоясини идрок этади, монолог ва диалогларда қаҳрамонларнинг ҳиссиётларини очиб беради.

Қўшиқ мусиқали драма асарига жўшқинлик, романтик йўналиш бахш этади. Драматургик вазифаларини бажармаган ҳолда, у саҳнавийлик хусусиятини йўқотади ва мустақил вокал номерига айланиб қолади. Қўшиқчи-актёр асар қаҳрамонининг ички дунёси, фикр-ўйлари тизимини ташкил этиб, шу билан бирга ғоявий ва психологик юкни ҳам ташийди. Образ драматик санъат, ашула, рақс, саҳна ҳаракати каби ўзаро уйғун бўлган ижро жиҳатлар занжири орқали амалга оширилади. Қўшиқ ва қўшиқчи-актёрнинг вазифаси ҳам ҳеч қачон драматургик жараён ривожига тўсқинлик қилмаслик, аксинча, тўқнашувларнинг чуқур илдизларини очиб бериш, образ рухиятига кириб боришга, характер эволюцияси мантифини яратиш кабилардан иборат бўлмоғи керак. Афсуски, мусиқали драма амалиётида вокал мусиқаси кўпинча қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини ёритувчи муҳаббат, лирик жиҳат сифатида берилади. Кўп ҳолларда у севги-муҳаббат мазмунидаги саҳналардан иборат бўлади.

Кишининг воқеаларга муносабатини билдирувчи, унинг қалбини очиб берувчи хонандалик санъатига ҳозирги пайтда эҳтиёж ўсиб бормоқда. К.С.Станиславский ва В.И.Немирович-Данченколарнинг саҳналаштирган мусиқали асарлари адабиёт ва мусиқа уйғунылигига ижодий ёндашишнигина эмас, балки саҳна хонандалиги қонунларини билишнинг ҳам ёрқин намунаси ҳисобланади. Таниқли немис новатор режиссёри В.Фельзенштейн «Туйғу ва фикрга тўла товушгина ҳақиқатгўйдир ва айнан шу нарса драматикдир» деб ҳисоблайди.

Ҳозирги жаҳон режиссураси мусиқали саҳна асарлари устида ишлашнинг турли усул ва методларига эга. Драма театри режиссёрларининг опера ва мусиқали театр режиссураси соҳасидаги фикрлари дикқатга сазовордир. Л.Ротбаум, Эдуардо де Филиппо, В.Фельзенштейннинг опера постановкалари жозибадорлиги билан эътиборни тортди. Улар драматик саҳна қонунларини мусиқали саҳнага олиб кирдилар. Бунинг натижасида ушбу жараён тарафдорлари ташаббускорлигини кучайтириб, соҳа муҳолифлар қаршилигини ҳам ошириб юборди. Мусиқали театр режиссураси амалиёти ҳам саҳна қўшиқчилиги масалаларини ҳал қилишдаги изланишлари жадал амалга ошаётганлигидан далолат беради. Лекин бу билан ҳам анъанавийликдан воз кечишга илож бўлмади.

Анъанавий опера режиссураси хонандани мизансаҳналардангина халос қилиб қолмай, балки унинг санъатини чекловчи омиллардан, роль психологиясига чуқур кириб бориш билан боғлиқ вазифалардан ҳам озод этиб, янада кўпроқ анъанавий шаклчилик услубига боғлаб қўйди. Янги режиссура эса мизансаҳналарни сунъий фаоллаштириш йўлидан борди. Иккала ҳолда ҳам муаммога бир томонлама ёндашиб, театрнинг ҳозирги ютуқлари камситилди, фақат режиссура асосий мақсадга айланиб қолди. Мизансаҳналар кетидан қувиш, замонавий режиссёрик қонунларини очик қабул қиласлик натижасида кўпинча хонанда актёрнинг мусиқали спектакль концепциясидаги ўрни ва аҳамияти, биринчи навбатда мусиқа партитурасини, сахна қўшиқчилиги мазмуни ва эстетикасини яхши билиши лозим бўлган режиссуранинг роли унутилади.

Мусиқали сахна асарларини тайёрлаш жараёнида пайдо бўладиган барча муаммоларга жанр табиатининг ўзи, унинг мусиқаси, сўз ва оҳангларда ифодаланган ҳиссиёт-у, фикр-ғояси жавоб беришга кўмаклашади. Нега инсон овози, бадиий қўшиқчилик опера жанри спецификасини ташкил этади, деган савол туғилади? Гап шундаки, композиторлар ўз дунёқарашини, орзу-идеалларини, ҳис-туйғуларини, шахсий муносабатларини, қадриятларини хонандалик орқали тасвирлашга интиладилар, улар вокал санъатини олам билан мулоқотда бўлишнинг олий эстетик шакли деб ҳисоблайдилар. Инсон овози сахнавий образ ибтидоси бўлиб, ҳаракат хусусиятини идрок этади. Шу сабабли ҳам ҳозирги сахна қўшиқчилигининг бадиий мезонларидан бири маъноли, ифодали ижро бўлиб, у фақат опера асарининггина эмас, оперетта, мусиқали драма жанридаги спектаклларнинг ҳам асосини ташкил қиласди.

Сахна образининг ғоявий ва бадиий тўлақонлиги ижрочининг драматик ва вокал маҳоратини стилистик яхлитлигига боғлиқдир.

Ўзбек мусиқали драмасида хонанда-актёр муаммоси ўзининг узоқ, тарихига эга. Жанрнинг синтетик табиати драматик, қўшиқчилик ва рақс санъатига таянган актёр ижрочилигига органик синтез сифатида белгиланади.

Жанр шаклланишининг дастлабки даврларида актёрларда ижрочилик қобилияти мажмуасигина бўлиши кўзда тутилган эди. Улар ўз табиий салоҳияти ва қобилиятини намоён қилган ҳолда қўшиқ айтарди, сўзларди, образ яратарди, рақсга тушарди. Фақат, сўз ва ҳаракатгина эмас, балки мусиқа ҳам муҳим ўрин тутган. «Ҳалима» мусиқали драмасидан бошлаб ижрочилик воситаларини уйғунлаштириш жараёни бошланди.

1920 йилда драма труппаси жамоасининг етакчи актёрлари А.Хидоятов ва М.Қориева ҳали профессионал ижро маҳоратига эга бўлмай туриб,

ижодий вазифаларини ўз ихтиёрларидағи воситалар ёрдамида эришишга уриниб күрдилар. Москва театр студиясими тугаттан драма актрисаси Т.Сайдазимова ёрқин, ифодали овоз сохиби бўлганлиги туфайли ижрочилик малакасини янги босқичга – профессионал даражага кўтарди. Т.Сайдазимованинг санъати бундай синтез натижасида ҳақиқий эстетик жиҳат касб этди ва ўзбек мусиқали драмаси ривожига катта улуш қўшди.

1929 йилда ташкил этилган Ўзбек мусиқали театрида бадиий образнинг мусиқа – вокал – рақс уйғунлиги жиҳатлари изланди. М.Қориёқубов, Тамарахонимлар қаҳрамонлар харәктери талқинида хонандалик санъатини аҳамиятини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтардилар. Миллий-бадиий анъаналарини ва тарақкий топган театр-мусиқа маданиятларининг илғор тажрибасини ўзлаштириш натижасида ўсиб борган ўзбек мусиқали театри саҳнада таъсирли, ишонарли, ҳаётий тўлақонли образлар яратишни ўзининг асосий мақсадларидан бири сифатида қабул қилди ва галдаги босқичга қадам қўйди. Махсус вокал сабоғини олган хонандаларнинг, жумладан, Б.Мирзаев, Ҳ.Носирова, К.Зокиров саҳнада яратган образлари бадиий-естетик яхлитлик ва теран психологик талқин билан ажралиб турарди.

1939 йилда Ўзбек давлат мусиқали театри жамоаси иккита гурухга бўлиниб, ҳар биттаси мустақил ижодий ҳаётга қадам қўйди. Мусиқали драма жанри Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театри елкасига юкланди. Спектаклнинг марказий сиймоси бўлиб қолган қўшиқчи актёрнинг ўрни саҳнада янада мустаҳкамланди ва ушбу муаммога қизиқиш янада ортди. Мусиқали театрнинг ижодкорлари жанрнинг бойитиш йўллари, унга ўзига хослик бахш этувчи ва шу билан бирга умумлашма фикрларни ҳал қилишга имкон берувчи янгидан-янги замонавий бадиий воситалар ҳақида жиддий ҳамда чуқур ўйлашлари керак эди.

Саҳнадаги изланишлар жадал ва кўп киррали тарзда олиб борилди. Шу билан бирга чуқур психологик, эмоционал хусусиятга эга бўлган санъатга интилиш кучайди. Муқимий номидаги театр замонавий психологик изланишлари руҳида бир қатор тарихий, замонавий, афсонавий мавзудаги асарларни саҳналаштириди. Хусусан, «Муқимий», «Нурхон», «Равшан» ва Зулхумор», «Олтин кўл», «Ватан ишқи», «Момо ер», «Қонли тўй», «Жоним фидо» спектакллари галдаги жараённи энг яхши тамойиллари ўзбек мусиқали драма театри саҳнасида ўз ифодасини топаётганини кўрсатди. Ушбу спектакллардаги теран психологизм, романтик кўтариқилик, метафорик театрнинг жўшқинлиги уларнинг муваффақиятини таъминлади, актёрлик санъатининг энг муҳим хислатларини белгилаб берди.

Спектаклдаги қўшиқнинг, мусиқанинг ўрни билан боғлиқ кўпгина муаммолар Ўзбекистон Композиторлар уюшмасининг пленумида таҳлил

етилган. Ана шу муаммоларнинг амалиётда ҳал этилишида шу нафақат театр жамоаси, балки композиторлар ижоди, хонанда-кадрлар тайёрловчи олийгоҳлар билан боғлиқдир.

Назорат саволлари;

1. Театр нима учун синтетик санъат деб аталади?
2. Анъанавий театр тушунчани қандай изоҳлайсиз?
3. Европача русумдаги театрнинг тарихий шаклланиш даври қайси мезонларга боғлиқ бўлди?
4. Ўзбекистондаги қайси театр йўналишлари фаолият юритади?
5. Театр санъатининг функцияси, вазифаси, аҳамияти нималардан иборат?
6. Бугунги ижтимоий ҳаётимизда театр санъати ўз вазифаларини қандай бажармоқда деб ўйлайсиз?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. –Тошкент: “Маънавият”, 2008. - 176 б.
2. Аристотель. Поэтика. - Тошкент: F.Гулом нашриёти, 1978 й.
3. Бояджиев Г.Н. Поэзия театра. Статьи.–М.: Искусство, 1960. -464 с.
4. Баяндиеv Т. Каракалпакский театр имени К.С.Станиславского.-Ташкент: Фан,1971.-200 с.
8. Белинский В.Г. Танланган асарлар.–Тошкент: Ўздавнашр,1955. -509 б.
9. Григорьев М. Сахна маҳорати. (Станиславский системасининг асосий моментлари).-Тошкент: Ўзадабийнашр,1962.–68 б.
10. Жабборов А.Мусиқий драма ва комедия жанрлари Ўзбекистон композиторларининг ижодиётида. –Тошкент:F.Гулом нашриёти, 1999.188 б.
11. Раҳмонов М., Тўлахўжаева М., Мухторов И. Ўзбек миллий академик драма театри тарихи (1960-2000 йиллар) –Тошкент: Истиқболни белгилаш, услугият ва ахборот Республика Маркази, 2003.-267 б.
12. Станиславский К.С.Актёрнинг ўз устида ишлиashi.-Тошкент: Ўзадабийнашр,1965.–426 б.
13. Турсунов Т. Сахна ва замон.-Тошкент: Янги аср авлоди,2007.-415 б.
14. Турсунбоев С.Андижон театри /тарихий очерк/.-Тошкент:F.Гулом номидаги нашриёт,1970.-144 б.
